# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doverie.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2012-yil 7-fevral № 17 (3054) seshanba


**Янги кун янгиликлари**

*Томди тумани маркази бўлмиш Томдибулоқ қўрғонида замонавий шифохона мажмуасининг биринчи босқичи ишга туширилди.*

## Эл саломатлиги йўлида

Қурилиш ишларини Нуротадаги Ғофур Шодмонов раҳбарлик қилаётган «Хит тренинг» масъулияти чекланган жамияти бинокорлари амалга оширишди. Дастлабки харажатлар 3,5 млрд. сўмни ташкил этган мазкур мажмуада жарроҳлик, болалар ички касалликлари, шошилинч тиббий хизмат бўлимлари, ташхис-таҳлил лабораториялари тўлиқ фойдаланишга топширилди. Зарур асбоб-ускуналар билан таъминланган муассаса 85 ўринга мўлжалланган.

Ўтган йили бу ерда 150 қатновга мўлжалланган кўп тармоқли поликлиника фойдаланишга топширилган эди. Туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Қ.Нағашибаеванинг айтишича, ҳудудда 5 та қишлоқ врачлик пункти, 2 та қишлоқ участка шифохонаси ва 23 та фелдшерлик-акушерлик пункти фаолият юритмоқда. Шифохонанинг ишга туширилиши янги иш ўринлари очилишини ҳам таъминлади.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ**

*«Арабхона» Когон шаҳридаги намунали маҳалла фуқаролар йиғинларидан бири. Маҳаллада йигирмага яқин миллатга мансуб 947 оила аҳил ва иноқликда яшайди. Муҳим жиҳатлардан бири шундаки, бу ерда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар кўпчилик учун ибратлидир.*

## Республика босқичига йўлланма

Масалан, ўтган йили жиноятчилик ҳолатлари сони 2010 йилга нисбатан 3 баравар камайди. Вояга етмаганлар ва муқаддам судланганлар орасида ана шундай салбий ҳолатлар умуман содир бўлмайди. Бу борада ҳудудда фаолият кўрсатаётган 53-марказлашган милиция таянч пунктининг ҳиссаси каттадир.

Шаҳар ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими профилактика катта инспектори, капитан Санжар Ҳайитовнинг мазкур пунктда жамоатчиликнинг фаол вакиллари билан олиб бораётган ишлари таҳсинга лойиқ. Яқинда республика Ички ишлар вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа ҳамкор идоралар ҳамкорлигида ўтказилган «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловининг вилоят ғолиби бўлган 53-МТП республика босқичига йўлланма олди.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

### Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида



*Бу йил юртимизда 516 минг нафардан зиёд йигит-қиз коллеж ва лицейларни тамомлайди. Уларнинг қаерга ишга жойлашишини ҳозирданоқ аниқ белгилаб олиш, корхоналар билан ишлаб чиқариш амалиётини ўташ ва ундан сўнг ишга қабул қилиш бўйича шартномаларнинг ўз вақтида тузилишини таъминлаш — бундай масалаларни алоҳида назоратга олиш лозим.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан.*

*Олмазор енгил саноат касб-ҳунар коллежида бугунги кунда 843 нафар талаба таҳсил олмоқда. Коллежда 17 та умумтаълим, 2 та лаборатория хонаси мавжуд бўлиб, замонавий техника ҳамда ўқув-методик воситалари билан жиҳозланган.*

*Битирувчиларни иш билан таъминлаш мақсадида 150 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Уларнинг 20 га яқини хорижий инвестициялар асосида ташкил этилган.*

*Коллежнинг ахборот-ресурс маркази сўнгги русумдаги замонавий компютер жамланмалари билан жиҳозланган. Бу эса уларнинг пухта билим олишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.*

**Суратда: коллеж талабаси Дурдона Ҳомидхўжаева ахборот-ресурс марказида.**

**Икром ҲАСАНОВ олган сурат.**

### Муносабат

**Маҳмуджон ИБОЕВ,**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси**

*«Андижон нашриёт-матбаа» масъулияти чекланган жамиятида Президентимизнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси мазмуни юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.*

## Қизғин қўллаб-қувватланди

Унда сўзга чиққан «Шарқ» НМАК раиси О. Юнусов жаҳон молиявий инқирози шароитида мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсиши халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлгани тўғрисида гапирди. «Андижон нашриёт-матбаа» МЧЖ директори, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби Ҳ. Нуъмонов эса иш ўринлари сақланган ҳолда корхоналарни модернизациялаш, ишлаб чиқаришда замонавий технологиялардан фойдаланиш, хорижий инвесторлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш сиёсати мамлакатимизда барқарор ижтимоий вазиятни шакллантиришда муҳим рол ўйнаётганини таъкидлади.

Шунингдек, корхона ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш, дам олиш ва саломатлигини тиклаш учун зарур шарт-шароит яратиш масалалари юзасидан фикр алмашилди. «Шарқ» НМАК сиҳатгоҳи ва болалар оромгоҳини мавсумга тайёрлаш ишларини жадаллаштириш, ходимларнинг саломатлигини тиклаш юзасидан зарур тавсиялар берилди.

Қатнашчилар Ўзбекистон раҳбариятининг ички ва ташқи сиёсатини якдил қўллаб-қувватлаши, эркин демократик фуқаролик жамияти қуришдек эзгу мақсад йўлида янада фидокорона меҳнат қилишини таъкидлашди.

## Ўринли бонг урилган

**Б.ШАРАПОВ,**
**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг бошқарма бошлиғи**

*Таҳририятнинг 2012 йил 16 январдаги 2-сонли хатига жавобан шуни маълум қиламизки, «Ishonch» газетасининг 2011 йил 29 октябр 130-сонида чоп этилган, мухбир Р.Давлатов қаламига мансуб, «Болалар саломатлиги йўлида» мақоласи Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида атрофлича ўрганиб чиқилиб, муҳокама қилинди.*

Мақолада «Тожикистон алюминий компанияси» давлат унитар корхонасидан тарқалаётган заҳарли кимёвий моддаларни юртимизнинг жанубий сарҳадларида яшайдиган аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳит экологиясига кўрсатаётган салбий таъсири ҳамда оқибатлари, жумладан, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой, Шўрчи ва Қумқўрғон туманларида экология бузилиши натижасида, айниқса, 18 ёшгача бўлган болалар орасида эндокрин касалликлари авж олаётгани ҳақида ўринли бонг урилган.

Дарҳақиқат, Тожикистон алюминий корхонасидан тарқалаётган заҳарли кимёвий элементларни республикамизнинг қўшни давлат билан чегарадош бўлган ҳудудлар экологияси ва аҳоли саломатлигига хатарли таъсир кўрсатаётгани ҳақида оммавий ахборот воситалари ва матбуот саҳифаларида кўплаб соҳаларнинг мутахассислари, давлат ва жамоат ташкилотлари, оддий фуқароларнинг мақолалари кенг ёритилиб, таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.

Алюминий корхонаси фаолияти билан боғлиқ экологик муаммолар келиб чиқаётган ва аҳолининг соғлиғига путур етаётган вазиятда, уларни тиббий, ижтимоий-иқтисодий ва экологик жиҳатдан муҳофаза қилишга йўналтирилган турли тадбирларни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва бошқа қатор тегишли вазирлик ва идораларнинг, шу жумладан, нодавлат хайрия ташкилотларининг таклиф-мулоҳазаларини олиш, асосли хулоса ва қарорларни қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

### Тараққиёт лойиҳалари — амалда

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ishonch» мухбири**

**2011 йилнинг бошида Осиё тараққиёт банкининг «Сурхондарё вилояти аҳолиси ичимлик суви ва санитарияси» лойиҳасига асосан Жарқўрғон туман марказида яшовчи хонадонлар, корхона, ташкилот, муассасаларда ичимлик суви таъминотини янада яхшилаш бўйича ишлар бошланганди. Бу хайрли ва масъулиятли вазифани Алибой Жабборов раҳбарлик қилаётган «Туронирсувқурилиш» корхонаси мутасаддилари ўз зиммасига олган бўлиб, лойиҳага кўра, 43 километр узунликда ичимлик суви қувурлари тортилади. Шунинг 21 километри асосий тармоқ қувурлари бўлса, қолган 22 километр узунликдаги қувурлар бевосита ҳар бир хонадон, ташкилот ва корхоналарни сув билан таъминлайди.**

## Сув таъминоти яхшиланади

Ушбу лойиҳада туман марказида янгидан барпо этилган кўчалар бўйида қурилган уйлар, маданий-маиший объектларга ҳам сув етказиб бериш назарда тутилган. Пудратчи корхона ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Абдурашид Аллашевнинг айтишича, асосий тармоққа ётқизилаётган қувурлар ҳажми 355 диаметрли, хонадонлар, корхоналар ҳамда маданий-маиший объектларни сув билан таъминлайдиган қувурлар ҳажми 15,20 диаметрли бўлиб, улар ҳар қандай босимга чидамли, муҳими, ярим асргача тешилмайди ва чиримайди.

Бу иш келгуси йил апрел ойигача тўлиқ якунланиб, 3 млрд. 557 млн. сўмлик иш бажарилади. «Туронирсувқурилиш» корхонаси ишчи-хизматчиларининг кеча-ю кундуз меҳнат қилаётганликлари боис бугунгача 2 млрд. 722 млн. сўмлик юмушлар адо этилди. Бунда меҳнат аҳлига қулай иш шароити яратилиб, улар иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланганлиги ҳам ўзига хос омил бўлди.

«Сувоқова» ташкилотининг бошлаб қўйилган идораси қайта қурилиб, анчадан бери битмай чала ётган насослар станцияси қурилиши ниҳоясига етказилди. Сиғими 1400 метр куб сув ҳавзаси реконструкция қилиниб, соатига 72 метр куб сув тортиб берадиган 4 та насос Австралиядан келтирилиб ўрнатилди. Эндиликда, сув ҳавзасидан қувурларга босим билан соатига 206 метр куб сув ҳайдайдиган 4 та янги насос ўрнатилаяпти ва 500 метр куб сув йиғадиган ҳовуз таъмирланмоқда. Насослар узлуксиз электр энергияси билан таъминлаб турилиши учун подстанция барпо этилиб, 2 та юқори кучланишли трансформаторлар ўрнатилган.

Лойиҳага асосан бунёдкорлар 2 та мактаб санитария нуқталарини янгидан барпо этишлари белгиланган бўлиб, 1-ва 25-умумтаълим мактабларида 13х6 ҳажмдаги санитария нуқталари қуриб битказилди. Туман марказида сув таъминотини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида Эшмўмин Сатторов бошлиқ участка ҳамда Панжи Қўшоқов, Соатмурод Нуралиев бошлиқ бригада аъзолари бир тан-бир жон бўлиб ҳаракат қилишмоқда. Сув қувурларини ётқизиш учун ўралар қазиш ва уларни қайта кўмиш каби юмушларда механизатор Ўринбой Ҳайитов, экскаваторчи Соатмурод Сувонов ҳамда Сафар Аллаёров раҳбарлигидаги «Аму соҳил» МЧЖ жамоаси жонбозлик кўрсатишаяпти.

Бу хайрли ишлар фақат туман марказидагина эмас, балки қишлоқларда ҳам амалга оширилмоқда. Жумладан, «Сурхон» СИУ ҳудудида ҳам ичимлик суви қувурларини янгилаш, йўқ жойларда янгидан қувур тортиб бориш жадал суръатда давом эттирилмоқда. Жарқўрғоннинг йирик аҳоли пунктларидан бири «Сурхон» ҳисобланади. Кунчиқиш, Хўжақишлоқ, Хомкон, Мингчинор, «Сурхон» маркази, Уяс, Боймоқли, Эскиқўрғон, Меҳнатобод, Қораёғоч сингари қишлоқларда жами 14 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Аҳоли шу пайтгача 1974 йилда қуриб ишга туширилган «Сурхон» сув ҳавзасидан сув ичишарди. Табиийки, ўтган қарийб 40 йил мобайнида ерга кўмилган қувурларнинг бир қисми яроқсиз ҳолга келган. Қолаверса, янги-янги уйлар қурилиб, хонадонлар сони ортиши натижасида ҳамма аҳоли пунктларини «Сурхон» сув ҳавзаси об-ҳаёт билан таъминлаш имкониятига эга бўлмай қолди. Боз устига, ерости насослари ҳам йил сайин эскириб бормоқда. Шу боис йил бошида «Сурхон» сув ҳавзасидан 14 та аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаси асосида иш бошланганди. Тажрибали мутахассис Тўра Тиловов бошлиқ «278-ХМКЖ» МЧЖ жамоаси ана шу лойиҳага асосан 6 миллиард 924,3 миллион сўмлик бунёдкорлик ишларини бажаришни зиммасига олиб меҳнат қилмоқда. Қурувчилар 19,4 километр узунликда асосий тармоқ, кўчалар бўйлаб 42,3 километр узунликда ва хонадонларга кириб борадиган 26,7 километр узунликда ҳар хил ҳажмдаги қувур тортиб боришни режалаштирган. Бундан ташқари, ичимлик суви ҳисоб-китобини олиб бориш ва иқтисод қилиш ниятида хонадонларга сув ўлчагич асбоблари ўрнатилади. Шунингдек, 6-умумтаълим мактаби ҳудудида санитария нуқтаси барпо этилади.

Бунёдкорлар ҳозиргача 3 миллиард сўмликдан зиёд иш бажаришди. Биринчи навбатда «Сурхон» сув ҳавзасидаги 15 та насоснинг 4 таси реконструкция қилинди. Сув сақлаш сиғими 500 метр куб бўлган 2 та сув ҳавзаси қайта таъмирланди. Жинжактепа ва Мингчинор қишлоқларида 3 километр узунликда асосий трасса қувурлари ётқизилди. Сув ҳавзасидан то Қораёғоч қишлоғига келадиган 2760 метр узунликда сув қувурлари тортилди. Хомкон маҳалласи ҳудудида қувурлар тўлиқ ўрнатилиб, синовдан ўтказилди. Марказ, Боймоқли, Кунчиқиш маҳаллалари ҳудудида ҳам қизғин иш давом этаяпти. 160 нафар муҳандис-техник ходим ва ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамоа лойиҳада белгиланган ишларни қисқа вақт ичида якунлаш нияти билан меҳнат қилишаётир.

Бир сўз билан айтганда, ҳадемай аҳолининг ичимлик сувга бўлган талаби тўла қондирилади.

## 547 та янги иш ўрни

Эндиликда тиниб-тинчимас У.Мирсоатов цех ёнида автомобилларга техник ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини бунёд этиш ҳаракатида. Агар ният амалга ошса, тағин 15 киши ишга қабул қилинади.

2-бет

## Бетакрор тақдир соҳиби

Истиқлол шарофати билан туманда мамлакатимизда ягона бўлган шакар ишлаб чиқариш заводи бунёд этилди. Техника тилини яхши тушунувчи Мадиёр Бобожоновни «Xorazm Shakar» давлат корхонасига ишга таклиф қилишди.

3-бет

## Киракаш укажонлар

Тўғри, киракашларга ҳам эҳтиёж бор. Бу иш билан маълум тажрибага эга ҳайдовчилар шуғулланиши мақсадга мувофиқ. Бироқ одамнинг 20-30 ёши бундан ҳам муҳим ва жиддийроқ ишларга сарф этилса, қандай яхши!

4-бет

Ishonch
2012-yil 7-fevral № 17 (3054)

Етакчи минбари

Эркинжон КАРИМОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши раиси

*Юртимизда таълим-тарбия соҳасига ниҳоятда улкан эътибор қаратилаётир. Янги типдаги, халқаро андозаларга мос академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, мактаблар қурилаётгани, мавжудларининг капитал таъмирланаётгани, спорт мактаблари, майдонлари барпо этилаётгани шундан далолат. Иқтидорли ёшлар ғамхўрлик остида. Бу хайрли ишларда касаба уюшма ташкилотлари ҳам муносиб иштирок этмоқда. Хусусан, 166 минг 610 нафар аъзони бирлаштирган Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашимиз томонидан қатор ижобий ишлар амалга оширилаяпти.*

# Сарҳисоб

Жумладан, иш ҳақи, қўшимча ҳақ тўлаш, тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиб, Меҳнат кодексидаги тегишли моддалар бўйича ходимларнинг айрим тоифалари учун берилган имтиёз ва кафолатларга тўла амал қилиш, қўшимча имтиёзлар яратиш, иш ва ўқиш шароитларини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилиш сингари масалаларни назорат қилишнинг қатъий чора-тадбирлари кўрилмоқда. Шу ўринда қуйидаги далилларни келтириб ўтиш мумкин: ўтган йили қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи 433 нафар кам таъминланган оилалар вакилларига 13 млн. сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. 81 нафар шундай оила фарзандлари учун 500 минг сўмликдан ортиқ дарслик ва ўқув қуроллари харид қилинди. 2010-2011 ўқув йилида тармоқ тасарруфидаги иқтидорли, жамоат ишларида фаол талаба ва ўқувчиларнинг 22 нафарига устама стипендия таъсис этилди.

Тармоқ касаба уюшмаси аъзоларининг 61 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Демак, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш алоҳида эътиборни талаб этади. Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган оналарга моддий ёрдам бериш мақсадида 139 та муассасанинг 158 нафар ходимасига 5 млн. сўмдан ортиқ маблағ иш берувчилар ва касаба уюшмалари ҳисобидан ажратилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож якка-ёлғиз кексаларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳам уюшманинг доимий диққатида. Тармоқ муассасаларида ишлаб, нафақага кузатилган 50 нафар якка-ёлғиз отахон-онахонлар касаба уюшма ташкилотлари томонидан ҳомийликка олинган.

Соҳа ходимлари ва уларнинг фарзандлари саломатлигини тиклаш ва муҳофаза қилиш масаласи ҳам асосий вазифаларимиз сирасига киради. Ўтган йилнинг ёзги дам олиш мавсумида 19 та шаҳардан ташқари ҳамда 38 та кундузги оромгоҳларда 19839 нафар боланинг ҳордиқ чиқариши таъминланди. Уларнинг 3760 нафари имтиёзли, 1240 нафари бепул дам олдирилди.

Жамоа келишув ва шартномаларига биноан 345 нафар ходим санаторийларда, 18 нафари эса санаторий-профилакторийларда соғломлаштирилди. Вилоят кенгаши ҳисобидан профилакторийларда 240 нафар талаба дам олдирилди.

Ишловчиларнинг ҳуқуқ ва бурчларини билиб олишига кўмаклашиш ҳам фаолиятимизда муҳим ўрин тутади. Вилоят кенгаши ҳуқуқшуноси шаҳар ва туманлардаги иш берувчилар, халқ таълими бўлимлари, касб-ҳунар коллежларининг кадрлар бўйича мутахассислари ўртасида ўқишлар, суҳбатлар ўтказиб, фаолларни меҳнат қонунчилиги билан таништириб бораяпти.

Касаба уюшма аъзоларининг мурожаатлари алоҳида назоратга олинган бўлиб, кенгашимизга ўтган йилда 6 та ёзма, 96 та оғзаки мурожаат тушди. 2 ходим ўз ишига тикланиб, 2 нафарининг меҳнат ҳақи ва турли тўловлари ундириб берилди. 98 нафар мурожаат эгасига эса ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Президентимиз ташаббуси билан 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши юртимизда инсон бахт-саодати ва оила мустаҳкамлиги энг муҳим вазифалардан эканлигини яна бир карра тасдиқлайди. Тармоқ кенгашимиз бундан кейинги фаолиятида ҳам, албатта, касаба уюшмаси аъзоларини ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофаза қилишга эътиборни кучайтиради.

Томорқа — барака

# Барчаси ўзимизга боғлиқ

Фармонбек АЛЛАБЕРГАНОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши бош мутахассиси

*Ҳазорасп туманида 11 та қишлоқ ва 44 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, 31357 та хонадонда 215400 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улар ихтиёридаги томорқа майдони 4286 гектарни ташкил этади.*

Ҳазорасппликлар азалдан тадбиркор ва меҳнатсевар. Истиқлол туфайли яратилган имконият ва шароитлардан оқилона фойдаланаётган туман аҳли турмуши фаровон. Бунга хонадонларда томорқадан фойдаланилишини ўрганганимизда яна бир бор амин бўлдик. Жумладан, Бўстон маҳалласида қилинаётган ишлар диққатга сазовор.

Олим Матёқубов хонадонидаги иссиқхонада парваришланаётган лимонлар анча серҳосил.

— Иссиқхонамиз 200 м.кв.ни ташкил этади, — дейди Олим ака. — 35 туп лимондан мўл ҳосил оляпмиз.

Иссиқхонада кўкатлар гуркираб ўсаяпти. Бу ерда 100 дан ортиқ лимон, 800 дан зиёд турли хил навдаги узум кўчатлари етиштирилаётганига гувоҳ бўлдик. Олим ака иссиқхонани кенгайтириб, йиллик даромадини янада ошириш ниятидалигини айтди. Ерни увол қилишни гуноҳ деб билувчи бу инсон тажрибасини элдошлари билан ўртоқлашиш, уларга тавсия беришдан қочмайди.

Комилжон Отаниёзов ҳам томорқасида 225 м.кв. ерга иссиқхона ташкил қилган. Бу ерда турли хил кўкатлар ва қирқ минг донадан зиёд помидор навларини етиштираётир. Комилжон ака билан суҳбатлашганимизда, томорқасидан йилига 3 марта ҳосил олаётганини айтди.

Касаба уюшмалари томонидан бундай тадбиркорлар маҳалла-кўйига ибрат қилиб кўрсатилиб, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга иссиқхона ташкил қилиш ёки томорқада бошқа экинлар экиш учун кўмак берилмоқда. Аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этишни мониторинг қилиш тизими ишлаб чиқилди. Томорқаларнинг ҳосилдорлик даражаси таҳлил қилиниб, қайси майдонда қандай сабзавот ёки полиз маҳсулотлари етиштириш мақсадга мувофиқлиги тавсия қилинмоқда.

Айни пайтда хонадонларда бўлиб, томорқа соҳибларининг муаммоларини ўрганиб ҳал қилиш чораларини кўряпмиз. Натижада аксарият томорқалар экин экишга тахт қилинди. Маҳаллий ва минерал ўғитларнинг етказиб берилиши таъминланди.

*Ерни ризқ-рўз, қут-барака манбаи деб биламиз. Аслида ҳам замин инсон учун буюк туҳфа. Ўзбеклардек ерни эъзозлаб, ҳар қаричидан оқилона фойдаланишга интиладиган халқ кам. Фарзандларимизга йўргакдаликдаёқ шу ҳиссиёт сингдирилади...*

# Ер боққанга боқади

Раҳмат МАҲМУДОВ,
Пайариқ туман таълим, фан ва маданият ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

Ёдимда, отам раҳматли тўрғай чулдирамасдан аввал туриб қўлига кетмонни оларди. Яктаги жиққа ҳўл бўлгунча томорқада ишларди. Нонуштада руҳан тетик, кайфияти чоғ ўтирган отам субҳидамда томорқада ишлашнинг гашти бошқачалигини кўп айтган. Бу ҳолат оилавий анъанага айланди. Биз, фарзандлар улғайиб, турли касб этагини тутсак-да, отамиз ўгитига содиқ қолдик. Турли вазифаларда хизмат қилдим. Иш юзасидан алламаҳалгача идорада қолиб кетган вақтларимиз кўп бўларди. Аммо субҳи саҳар маълум вақтимни томорқага сарфламасам, кўнглим жойига тушмасди. Ҳали-ҳануз бу одатни ташламадим. Томорқада ишлаш нафақат даромад, балки чиниқиш, саломатлик мустаҳкамлигига кафолат ҳам. Иссиқ жон иситмасиз бўлмас, деганидек гоҳо шифокор қабулида бўлсам, қайси спорт тури билан шуғулланасиз, деган саволга дуч келаман. Шунда бардамлигим боиси азондаги меҳнат эканлигини дилдан ҳис этаман.

Юртимизда деярли ҳаммада бундай имконият бор. Биргина ўзим истиқомат қилаётган Пайариқ туманида аҳолига қарашли 6395 гектар томорқа майдонлари бор. Шундан 4151 гектаридан унумли фойдаланиш мумкин. Ўтган йилнинг кузидаёқ 181 гектар майдонга кузги ғалла, 65 гектар майдонга беда, 25 гектар ерга пиёз, 40,9 гектар майдонга саримсоқпиёз уруғини қадашди.

Аҳоли томорқалари самарадорлигини оширишга қаратилган эътибор боис бу йўналишдаги ишлар янада жонлантирилаяпти. Жорий йилда томорқа соҳиблари ерларининг 1307 гектарига сабзавот, 1900 гектарига ғалла, 388 гектарига полиз, 288 гектарига картошка, 249 гектарига маккажўхори ва 69 гектарига бошқа экин турлари экишни мўлжаллашаяпти. Туманимизда томорқадан фойдаланишда имконияти етмайдиган 1120 хонадонга 114 нафардан ошиқ ҳомийлар кўмак кўрсатадиган бўлди.

Томорқалардан ўтган йили 40124 тонна сабзавот, 19965 тонна картошка, 9125 тонна полиз, 10723 тонна мева, 13900 тонна узум етиштирилган бўлса, жорий йилда аҳоли жон бошига 113 кг.дан сабзавот, 50,4 кг.дан дон, 19,3 кг.дан полиз, 13,9 кг.дан узум етиштириш мўлжалланаяпти. Хонадонлар ўтган йили томорқадан 81,5 млрд. сўм даромад қилган бўлса, бу йил 111,5 млрд. сўм фойда олишни кўзлашмоқда.

Ўрни келганда бир ҳаётий мисолга тўхталсам. Туманимиз аҳолиси турли миллатга мансуб. Шулар орасида украин аёли Людмила Шулга ҳам яшайди. Асли касби ўқитувчи бўлган бу аёлга ҳамма ҳавас қилади. Кафтдек ердан унумли фойдаланади. Людмила Шулга ивитган қатиқнинг мазасини ҳеч жойдан топиб бўлмайди, дейишади қўшнилари. Унинг хонадонидан йил — ўн икки ой қатиқ, сузма аримайди. Маҳалладошларни ҳам таъминлайди. Бундай имконият ҳар биримизда бор. Фақат озгина ҳаловатдан кечсак кифоя.

Томорқа — барака. Унга эътиборли бўлсак, бас. Бўш вақтимизнинг маълум қисмини меҳнатга бағишласак, рўзғор ҳам, бозор ҳам тўкин бўлади.

Президент китоби ўрганилмоқда

Назира БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири

# Тарих ибрат учун керак

*Республика Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки касаба уюшма қўмитаси томонидан Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби муҳокамасига бағишланган тадбир ўтказилди.*

Унда Республика Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими масъул ходими Акром Акмалов асарнинг мазму-моҳияти ҳақида маъруза қилди. Шунингдек, тадбирда «Мустақиллик арафасида ёки шўроларнинг сўнгги талвасаси» номли ҳужжатли филм намойиш қилинди.

— Мазкур филмни томоша қилгач, халқимиз учун мустақилликни қўлга киритиш осон бўлмаганлигини чуқур ҳис этдим, — дейди Миллий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси умумий бўлимга қарашли архивнинг етакчи мутахассиси Назира Музаффарова. — Бу ерда эшитган барча маълумотларни, юртимиз тарихига доир фактларни атрофимдаги ёшларга етказишни вазифам деб биламан.



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамкорлигида «Тадбиркорлик — мустаҳкам оила пойдевори» мавзуидаги бизнес-форум ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг ўринбосари Н.Ҳусанов, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова ва бошқалар мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оилалар фаровонлигига эришиш, ҳар бир фуқаронинг ўз иқтидори ва қобилиятини намоён этиши учун зарур шароитларни яратишга қаратилаётган доимий эътибор юксак самаралар бераётганини таъкидладилар.**

**Бизнес-форумда «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши бизнес-лойиҳа» сингари танловларнинг ғолибларига сертификатлар топширилди.**

***Суратда:*** *«Ипотека банк»нинг Мирзо Улуғбек туман бўлими ходими Нилуфар Ёқубова.*

Бошланғичда нима гап?

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

*Қарши саноат касб-ҳунар коллежи касаба уюшма қўмитаси раиси Бахтиёр Ашуров эртаю кеч жамоанинг ташвиши билан банд фидойи замондошларимиздан. Кимгадир ёрдами тегса, ўша одамдан-да зиёдроқ қувонади.*

# Бахтиёр касабақўм

1998 йилда ишга тушган ушбу таълим муассасаси нефт ва газ саноати учун саккиз йўналишда кичик мутахассислар тайёрлайди. Коллеж Осиё тараққиёти банки маблағлари эвазига замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари билан жиҳозланган. Ўтган йилдан бу ерда «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси, «Шўртангазкимё» мажмуаси ҳамда Муборак газни қайта ишлаш заводи мутахассисларининг ўқувчиларга дарс ўтиши йўлга қўйилди. Бу муассаса салоҳиятининг ошишига яна бир омил бўлди. Шунингдек, ўқувчилар битирув ва ишлаб чиқариш амалиётини ушбу корхоналарда ўтаб, соҳа сир-синоатини пухта ўрганишди. Энг иқтидорли ёшлар саноат корхоналарига ишга жойлашишди. 2010-2011 ўқув йилида коллежни тугатган 480 нафар битирувчидан 48 нафари турли олий ўқув юртларига ўқишга кирди.

— Таълим муассасасида 115 нафар ходим ишлайди. Меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги тадбирлари доимий ўтказиб турилади, — дейди касаба уюшма етакчиси. — Ҳар чорак якунида ўқувчилар мазкур йўналишларда кўрикдан ўтишади ва натижалар қайд этиб борилади.

Коллежда педагогларнинг меҳнатига яраша ҳақ тўлаш, уларни рағбатлантириш жамоа шартномасига асосан амалга оширилади. Яъни, директор жамғармасидан устама ҳақ, рағбатлантириш ва моддий ёрдам пуллари касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда бериб борилмоқда. Коллежимизда ҳам тажрибали устозлар ва ёш ўқитувчилар ўртасида «Устоз-шогирд» усули жорий этилган бўлиб, эзгу анъана бардавом бўляпти. Жумладан, касбий таълим бўйича директор ўринбосари Акром Қиёмов ўқитувчи Фазлиддин Холовга, пайвандлаш ишлари бўйича уста Зафар Норқулов ёш мутахассис Жўрабек Тўраевга билим ва тажрибасини ўргатяпти.

Ўтган йили беш нафар ходим турли сиҳатгоҳларда дам олди. Ижтимоий шериклик тамойиллари асосида иш кўриш натижасида сўнгги 4-5 йилда ходимлардан тушган шикоят ва аризалар шу ернинг ўзида ечимини топаяпти.

— Яқинда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган спорт тадбирини уюштирган бўлсак, энди Хотин-қизлар куни арафасида ўтадиган қизиқарли мусобақаларга ҳозирлик кўриляпти, — дейди касабақўм. — Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бирлашган касаба уюшма қўмитаси ғолиб спортчиларни мукофотлашда яқиндан кўмак беряпти.

— Бахтиёр ака тажрибали, энг фаол касаба уюшма қўмита раисларимиздан, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Шуҳрат Турдиев. — Бунинг устига, у киши намунали оила бошлиғи. Тўрт нафар фарзанди бор. Катта қизи Фануза Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида таҳсил олаяпти. Отасидек ўқитувчи бўлмоқчи. Ғолиб Қарши саноат касб-ҳунар коллежида, Жасур ва Рушана мактабда ўқишаяпти. Бир сўз билан айтганда, Бахтиёр Ашуровга ғамхўр оила бошлиғи, жонкуяр бошланғич ташкилот етакчиси сифатида барча ҳавас билан қарайди.

# Халқимизга хос хислат

Зиёдулла ХУДОЙБЕРДИЕВ

*Тошкент шаҳридаги «Нурафшон-Нур» хусусий корхонаси 2007 йили 5 кишилик жамоа билан иш бошлаганди. Буюртмачилар сафи йилдан йилга ошиб, ички бозорда муносиб ўрин топган кичик корхона бугун чет элдан ҳам харидорларни жалб этган. Ҳозир 30 нафардан зиёд малакали мутахассис жамланган жамоада замонавий дастгоҳ ва ускуналардан унумли фойдаланиб, дизайнчи ҳамда чеварлар маҳорати билан ойига 5 минг донадан зиёд маҳсулот тайёрланмоқда. Қулай ва бежирим, турли соҳа ходимларига мосланган халат, костюм, куртка, қўлқоп ва бошқа кўплаб турдаги кийим-кечаклар ишлаб чиқарилмоқда, муҳими, улар сифати билан ажралиб туради. Буюртмачилар сафида кичик корхоналардан тортиб йирик ташкилотлар, компания ва фирмаларгача борлиги бежиз эмас.*

— Муваффақиятларимизда мустақил юртимизда кичик бизнес субъектлари ҳамда хусусий тадбиркорларга берилаётган катта имкониятлар муҳим омил саналади, — дейди корхона директори Муҳаббат Тошмуҳаммедова. — Ҳар бир маҳсулот турини яратар эканмиз, буюртмачининг талаб ҳамда эҳтиёжини чуқур ўрганишга эътибор қаратамиз. Натижада, мижозлар талаби қондирилиб, буюртмаларимиз кўпаймоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида яратилган имкониятлар туфайли ишлаб чиқариш ҳажмини 2010 йилга нисбатан 50 фоизга оширишга муваффақ бўлдик.

Корхонада ходимлар меҳнат шароитини яхшилаш ва унинг хавфсизлигини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳар бир иш ўрнида зарур санитария-гигиена шароитлари яратилган, махсус кийимбошлар билан таъминланган. Жамоа шартномасида тўй, фарзанд туғилиши муносабати билан 3-5 кунгача ҳақ тўланадиган таътил ва ҳар куни тушлик берилиши йўлга қўйилган.

Ўтган йили тадбиркор жамоа ва унинг раҳбари Муҳаббат Тошмуҳаммедова анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Йил аёли — 2011» республика танловининг Тошкент шаҳар босқичида ғолиб бўлди. Жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ва маҳсулот турларини кўпайтириш мақсадида корхона қошида энг замонавий тикув дастгоҳлари билан жиҳозланган янги цех ташкил этилиб, ишчилар сафини ёшлар ҳисобига 100 нафарга етказиш режалаштирилган.

Зеро, корхонада «Устоз-шогирд» анъаналаридан келиб чиқиб, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларга касб-ҳунар сирларини мукаммал эгаллашларида ёрдам беришда ўзига хос тажриба тўпланган бўлиб, маҳоратли чеварлар ўз касб сирларини ёшларга сидқидилдан ўргатишмоқда.

Тадбирли кишилар

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

# 547 та янги иш ўрни

*Улуғбек Мирсоатов «Имкон-Транс-Савдо» хусусий корхонасини ташкил этиб, озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини йўлга қўйди. Гулистон шаҳри ҳудудидаги бўш ётган бинони таъмирлатиб, кондитер цехи ташкил этди. «Халқ банки» вилоят филиалидан 50 миллион сўм кредит олиб, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқара бошлади. Пировардида 20 нафар маҳаллий ёш доимий иш билан таъминланди.*

Тадбиркор бу билан кифояланиб қолмади. Ишлаб чиқариш кўламини янада кенгайтириш мақсадида «Халқ банки» вилоят филиалидан яна 50 миллион сўмлик кредит олиб, замонавий жиҳозлар келтирди. Натижада корхона ишлаб чиқариш қуввати ошди, ҳажми кўпайди. Яна 10 нафар фуқаро ишли бўлди. Эндиликда тиниб-тинчимас У.Мирсоатов цех ёнида автомобилларга техник ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини бунёд этиш ҳаракатида. Агар ният амалга ошса, тағин 15 киши ишга қабул қилинади.

* * *

Гулистон туманидаги «Ҳимолай чўққиси сари» фермер хўжалиги «Халқ банки» вилоят филиали ажратган 50 миллион сўм кредит ҳисобига Самарқанд вилоятидан ўн мингта наслдор «Ломан Браун» товуқлари келтириб, паррандачиликка қўл урди.

* * *

Фермер Баҳром Чўлпонов бўш ётган 6 гектар майдонда сунъий кўл барпо этди ва унга Чиноз туманидаги балиқчилик хўжалигидан 600 килограмм чавоқ олиб келиб ташлади. Натижада хўжаликда қўшимча 20 та иш ўрни яратилди.

Умуман, «Халқ банки» вилоят филиали тадбиркорлик субъектларига ўтган йилда 11 миллиард 529 миллион сўмлик кредит ажратди. Ушбу сармоялар ҳисобига 547 та янги иш ўрни яратилиб, 12 миллиард 220 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2012-yil 7-fevral № 17 (3054)



■ Назира БОЙМУРОДОВА

*Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, фоторассом Султонбой Деҳқоновнинг Тошкент вилояти «Қумовул» маънавият ва маърифат марказида мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган «Она юрт манзаралари» номли шахсий фотокўргазмаси ташкил этилди.*

# Қумовулда она юрт манзаралари

Кўргазмада фоторассомнинг 60 га яқин асари намойиш этилди.

— Султонбой аканинг «Қордаги гул» асари менга жуда ёқди, — дейди Бўка туманидаги Марказий маданият саройи директори Собир Нишонов. — Шу асарни жон деб сотиб олган бўлардим. Қаҳратон қишда қор остида қолишига қарамасдан, очилишга тайёр турган атиргул ғунчаси тасвири санъат асарига айланган.

— Мўъжиза табиатнинг ижодкорлигида, — дейди Султонбой Деҳқонов суҳбатга аралашаркан. — Атиргул совуққа чидамли ўсимлик ҳисобланади. Бу ғунча ҳали ҳам ҳовлимизда яшнаб турибди. Ҳар сафар уни кўрганимда Ойбекнинг «Қишларида шивирлар баҳор...» деган сатрлари ёдимга келади.

Ҳар бир фотосуратнинг ўз тарихи бор.

— Мана бу суратни «Қиш сонатаси» деб номлашимнинг сабаби бор, — дейди у сўзини давом эттириб. — Мусиқада еттита нота борлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Энди бу муз парчаларини санаб кўринг. Бир, икки, уч... етти. Кўрдингизми, энг буюк рассом табиатнинг ўзидир.

Бекободлик фоторассом Султонбой Деҳқоновнинг мазкур шахсий фотокўргазмаси шундай ҳайрат ва эътирофга бой ўтди.

**С. ДЕҲҚОНОВ
олган фотосуратлар**

---

**Алишер Навоий таваллудининг 571 йиллигига**

# Улуғ шоир аёллар ҳақида

■ Афифа ҒАНИЕВА,
Алишер Навоий номидаги давлат стипендияси соҳибаси



*«Маҳбубул-қулуб» Алишер Навоий ҳаётий тажрибаларининг хулосасидир. Шу боис бу асар Навоий ижодидагина эмас, балки туркий адабиёт тарихида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ахлоқий-таълимий, ижтимоий-сиёсий, фалсафий-маърифий мавзулар талқини мазкур асарнинг асосий йўналишини ташкил қилади.*

Унда жамиятнинг катта қисми бўлган аёлларга ҳам алоҳида эътибор берилади. Маълумки, ўтмишда аёлларнинг ижтимоий ҳаётда иштироки чекланган. Шундай бир шароитда улуғ шоир аёлларнинг жамиятдаги ўрнини чуқур кўрсатиб беради. «Кадхудолиқ сифати ва хотунлар зикрида» деган фасл шу масалага бағишланган.

Мазкур фаслда уйланиш, оила ва оилада хотинларнинг роли ҳақида сўз боради. Ўрта аср шароитида аёлнинг оиладаги ўрни, айни чоғда жамиятдаги мавқеини эътироф этиши ҳамда уларни улуғлаши Навоийнинг илғор инсонпарварлик ғоялари сирасидандир. Жумладан, аёлларга шундай таъриф берилади: «...уйнинг оройиши андин ва уйлукнинг осойиши андин». Навоий таърифига кўра, хотин оқила, саранжом, кўнгилга ёқимли бўлса, оилани бут қилади. Аллома аёл гўзал, ёқимли бўлиш билан бирга феъл-атвори ҳам шунга мос бўлиши лозим деб ҳисоблайди. Сурати ва сийрати бир бўлган аёлгина оилага ҳам, жамиятга ҳам фойда ва қувонч келтиради. Агар оилада шундай аёл бўлса, «ниҳоний ғаму меҳнатда ҳамроз ва ҳамдаминг бўлгай...». «Маҳбубул-қулуб» муаллифи эрларга мурожаат қилиб, агар хотин хушахлоқ, поктабиат бўлса, «рўзғордин ҳар жафо етса, анисинг ул ва чархи даввордин ҳар ибтило келса, жалис(бирга ўлтирувчи, ҳамсуҳбат, дарддош)инг ул», — дейди. Шунинг учун аёлни қадрлаш, уни оиланинг таянчи деб эъзозлаш лозим. Ҳаётда яхши хулқли, оқила ва гўзал аёлга дуч келиш эркакнинг бахтидир. Шоир бу ҳақда «...йўлуққан кишига тожи торак бўлсун ва бу саодат анга муборак бўлсун» дейди.

Айни чоғда Навоий номувофиқ аёллар ҳақида ҳам тўхталиб ўтади. Агар аёл табиати чиркин, тили аччиқ, беҳаё бўлса, оила учун бедаво дард, чексиз малолат бўлади, оила завол топади. Шоирнинг фикрича, аёлнинг макри ва фитнаси таърифида ҳар қандай донишманд ҳам ожиздир. Бу билан шоир хотин-қизларни ана шундай нуқсонлардан холи бўлишга даъват этади.

Улуғ шоир «Маҳбубул-қулуб»нинг мазкур фаслини гўзал хулқли аёлларни яна бир марта мадҳ этиб, аёллар хусусидаги эзгу тилаклар билан шундай якунлайди: «...фаришталарни эса уларнинг опа-сингиллари деб бил. Уларнинг бошларида иффатдан рўмол, юзларида бокираликдан парда. Ҳақ таоло бу пардани уларнинг юзидан кўтармасин ва вайронлик шамоли бу пардани очмасин».

---

**Мулоҳаза**

■ Маҳмуджон ИБОЕВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

# Киракаш укажонлар

Вилоят марказидан қишлоғимга етиб олиш учун таксига ўтирмоқчи бўлдим. Шанба бўлганлиги боис, қўлбола бекатда одам кўп бўлиб, аксари талаба ёшлар эди.

Жорий йилдан аҳолига транспорт хизмати кўрсатишнинг янги шакли амалга киритилганига қарамай, айрим учар киракашлар тиғизликдан фойдаланиб қолишга уринишарди. Ҳамон илгаригидек атрофга қараб қичқиришади:

— Қорасувга бир киши борми, тез жўнаймиз...
— «Дўстлик»ка борми?
— Қўрғонтепа... Қўрғонтепа...
— Хўжаобод томонларга икки киши...
— Сумкангизни бера қолинг, мен кўтараман...

Бозор атрофида чумолидек босган енгил машиналар орасидан аранг ўтиб борардик. Мўлтираб қараб турган нигоҳлар сизни тўхтовсиз таъқиб қилади. Сал тўхтаб, алангласангиз, тамом.

— Ака, қайси томонга?
Бу саволни атрофдан дўлдек ёғдиришади.
— Тўлганми?
— Сиз чиқсангиз, жўнаймиз, хўп дея қолинг...

Йўловчи ортидан бир эмас, ўнлаб киракаш судралади. У ёққа борса, у ёққа боради, бу ёққа келса, бу ёққа келади. Таажжуб, йўловчи битта, ҳайдовчи бешта! Нархини сўрайсиз.

— От билан туя бўладими, чиқаверсангиз-чи, акажон, — дейишади қувлик билан.

Бир амаллаб «Нексия»га ўтириб олдик. Йўлда кетаяпмиз. Ҳайдовчи магнитофон мурватини буради, қўшиқ янграйди. Унинг юзидаги бояги ялинчоқ нигоҳ энди ўтиб кетган, рулни маҳкам ушлаганча, олдинга мағрур қараб борарди. Қўл телефонида ким биландир гаплашади:

— Азиз, нима гап?
— Бу ёқда иш зўр бўляпти, тезроқ кел...

Ҳайдовчининг юзида тетиклик пайдо бўлди. Тезликни оширар экан, яна телефонни қулоғига тутди:

— Родар йўқми?.. Қабристон ёнидами? Бўлди, тушундим!

Унинг ёши билан қизиқсам, 23 да экан. Нима учун бу йигитлар киракашликка ёпишиб олишган, бошқа бир узоқни кўзловчи бизнес ёки ишлаб чиқариш билан шуғулланишса бўлмайдими, деган фикр хаёлимни банд этди. Тоғни урса, талқон қиладиган навқирон ёшлар учун киракашлик осон пул топишнинг йўлими?

Манзилга етгач, ҳамроҳларимиздан ёши улуғроғи шундай деди:

— Пенсиядаги одамман. Шукр қиламан. Юртимизда одамнинг истеъдодини намоён этиш учун ҳамма шароит яратиб беріляпти. Нега айрим ёшларимиз бу борада тайинли қарорга кела олишмайди, шунга ҳайронман.

Тўғри, киракашларга ҳам эҳтиёж бор. Бу иш билан маълум тажрибага эга ҳайдовчилар шуғулланиши мақсадга мувофиқ. Бироқ одамнинг 20-30 ёши бундан ҳам муҳим ва жиддийроқ ишларга сарф этилса, қандай яхши!

Отахон дилимдагидан хабардордек сўзларди. Яхшики, шундай улуғларимиз бор, ҳаётга тийрак кўз билан боқиб, безовталик билан ёшлар тақдири тўғрисида ўйлашади.

Ёшлик — ғайрат-шижоат тўлиб-тошган давр. У майда ишларга сарфланмаслиги лозим. Кўзни очиш керак, киракаш укажонларим!

---

**Эшитмадим деманглар!**

***«Пилесос» деган матоҳнинг нималигини, лоф бўлса-да, тили чиқмаган бола ҳам билади. Бу ўша рўзғорда уй тозалашда ишлатиладиган оддий чанг ютгич эмас, қувурдаги газни сўриб олувчи «газ ютгич» сифатида ўзбек тилининг изоҳли луғатига киритилиш арафасида турган, кўпроқ қиш мавсумида тез-тез тилга олинадиган буюмнинг номи.***

***Мана, 5-6 йилдирки, айрим устамон «ихтирочилар»нинг шарофати билан «газ ютгич» турмушимизга жуда тез кириб келди. Ҳатто унинг борлигига ўрганиб, парво ҳам қилмай қўйдик.***

# «Газ ютгич»

«Баттар бўлинглар, электр ўчганда бу матоҳни барибир ишлатолмайсанлар. Илоҳим, электр тез-тез, узоқ ўчсин, ўшанда газни тортиб ололмайсанлар. Менинг газим ўшанда ёнади!..» деб дуо қилгувчилар ҳам кўпайди.

Электрнинг тез-тез ўчишидан мамнун, у ўчганда гази тузук ёниб, уйини иситиб олишдан бахтиёр, «пилесосчи»ларнинг устидан кулиб юрган бир пайтимизда, «зангори олов»нинг яна бир кушандаси пайдо бўлдики, энди газимиз чироқ ўчганда ҳам ёнмайдиган бўлиб қолди. Сабаби, ҳалиги устамон «ихтирочилар» биз учун яна бир «мудҳиш янгилик» яратишди. Энди «движок» деб аталган мосламани ишга солиб, ундан ёритишдагина эмас, «газ ютгичлар»ни ишлатишда ҳам фойдалана бошлашди. «Движок»ка пули етмаганлари машинанинг эски аккумуляторига, унга ҳам кучи етмаганлари қўл телефонининг аккумуляторчасига («газ ютгич» деганлари 12 волтда ҳам ишлайверар экан, «бечора»!..) ўша «сўрғич»ни ўрнатиб олиб, иссиққина уйда мазза қилиб, иссиқ чойни хўриллатиб ичиб, бошқаларнинг устидан кулиб ётишибди. Бизга ўхшаган қўлидан сим тортиш ҳам келмайдиган нотавонлар эса газ идорасининг, яна ким-кимларнинг гўрига ғишт қалаб, дилдираб ўтирибмиз. Омад кимники — устамонники!

Биз-ку майли, ўтин-чўпи йўқ, бева-бечора, қари-қартангнинг электр ўчганда «пилесосларнинг жағи ўчарди», дея совуқ печкага термулиб, умид билан кутиши ҳам барҳам еди.

Кеча бирга ишлайдиган шеригим хафа бўлди: бешта ёш болам бор. Ўтин-чўпим қолмади. Эрим узоқда ишлаяпти. Ака-ука ҳам ўзидан ортса экан... Электр ўчганда ёниб қоладиган газ ҳам ёнмай қолди. Ўша «пилесос» деган нарса чиқмаганда ҳамманинг гази бир хил ёнарди. Қўшним катта пилесос қўйиб, сут, творог пишириб сотади. Чироқ ўчса, движогини улайди. Қиш-ли-қировли кунларда наҳотки қўни-қўшни бир-бирини аямаса?!

Наҳотки, наҳотки, одамлар! Инсоф қани, диёнат қани! Кўчамизда кечалари чийиллаб ишлаётган, қўшнимникида ҳатто ёзда ҳам тариллайдиган «газ ютгич» кучаниб-кучаниб гўё шундай деб чинқираётгандай туюлади. Баъзида эса аламидан ё куйиб, ё портлаб кетади... Аммо «ихтирочи» келиб уни яна улаб қўяди...

**Олтиариқ туманидаги
совуқ уйида тинмай
чучкираётган
НИЛУФАР**

---

**Таълим**

# Анъанавий фан ҳафталиги

■ Г.ҚУЛМИРЗАЕВА,
Самарқанд молия-иқтисодиёт коллежи математика фани ўқитувчиси

***Таълим сифатини оширишда фан ҳафталикларининг аҳамияти катта. Самарқанд молия-иқтисодиёт коллежида бундай тадбирларни ўтказиш анъана тусига кирган.***

Таълим масканидаги тўққизта фан кафедраси ҳар йили фан ҳафталикларини кўтаринки руҳда ўтказиб келмоқда. Жорий ўқув йилида «Аниқ фанлар» кафедраси ўқитувчилари биринчи бўлиб фан ҳафталигини бошлаб беришди. Унга кафедра ўқитувчилари ўзгача тайёргарлик кўришди.

Коллежда таълимни янада кучайтириш ва бойитиш мақсадида электрон дарсликлар, услубий тавсиялар, иш фаолиятларига доир албомлар, буклетлар тайёрланди. Ҳафталик доирасида ўтказиладиган тадбирлар фақат очиқ дарслар билан чекланиб қолмади. Ундан маданий-маърифий тадбирлар, тўгарак ишлари ҳам четда қолгани йўқ. «Заковат», «Ўйла, изла, топ», «Билимингни сина» каби ўйинлар ҳам ўтказилди.

Ҳафталик давомида ўтказилган ҳар бир очиқ дарс, тўгарак ўйинлари ноанъанавий тарзда, интерфаол усулларни қўллаган ҳолда олиб борилди. Бундай ноанъанавий усулларни қўллаш усули ўқувчига мавзуларни яхши тушуниш ва ўзлаштириш имконини беради.

---




**Рассом хандаси**




Рассом: Хусан СОДИҚОВ

---

Insonga naf keltirish – oliy baxt
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI / FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

**Muassis:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**
Abduxoliq Abdurazzoqov

**Tahrir hay'ati:**
Normamat ALLAYOROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'lqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Anvar YUNUSOV

**Bo'limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat — 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

**Viloyatdagi muxbirlar:**
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99894 226 28 84;
Namangan + 99897 491 79 28;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

**Nashr ko'rsatkichi:**
133

Navbatchi muharrir:
A. Abdullayev

Navbatchi:
S. Arslonov

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21. 00
Topshirildi - 21. 40

Buyurtma Г — 211

23314 nusxada bosildi

1 3 4 5